



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Хўжалик субъектларининг инвестицион жозибадорлиги таҳлилининг методикаси

Абдужабборова Маъмура Тошмухамедовна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедра доценти

Ёзишмалар учун электрон почта: maamura@bk.ru

Мақола ҳақида маълумот

Аннотация

Топширилган вақти: 26.10.2022

Қабул қилинган вақти: 29.11.2022

Таянч сўз ва иборалар:
инвестицион жозибадорлик,
тўловга қобилиятлилик,
активлар, жорий активлар, жорий
мажбуриятлар, дебиторлик
мажбуриятлари, кредиторлик
мажбуриятлари.

Мазкур мақолада инвестицион жозибадорлик тушунчаси ва унинг мазмуни, таҳлил этиш методикаси келтирилган. Инвестицион жозибадорликни аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар ва уларнинг меъёр даражаси талқин қилинган. Тадқиқотлар асосида инвестицион жозибадорликни молиявий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш бўйича баллик баҳолаш тизими ишлаб чиқилган.

Economic and social content of farm activity and characteristics of its change

Abdujabborova Mamura Toshmukhamadovna

Associate professor, The Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Corresponding author: e-mail: maamura@bk.ru

ARTICLE INFO

Abstract

Received: 26.10.2022

Accepted: 29.11.2022

Keywords: investment attractiveness, solvency, assets, current assets, current liabilities, accounts receivable, accounts payable.

This article explores the concept of investment attractiveness and its content, analysis methodology. Indicators used in determining investment attractiveness and their standard level are interpreted. On the basis of research, has been developed a scoring system for analyzing investment attractiveness based on financial indicators.

Кириш

“...Миллий иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси учун барча зарур шароитларни яратишни ислохотларнинг асосий йўналиши этиб белгиладик. Шу мақсадда валюта бозорини эркинлаштирдик, хусусий инвесторларга энергетика, геология-қидирув, кимё ва нефть кимёси, тиббиёт ва таълим каби соҳаларда фаолият юритиш имкониятларини кенгайттирдик.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича амалга оширган ислохотларимиз натижасида сўнгги 5 йилда иқтисодиётимизга кириб келган хорижий

инвестициялар ҳажми 10 баробар ошиб, қарийб 40 миллиард долларни ташкил этди. Биз 10 йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги кўрсаткичдан икки баробар оширишни мақсад қилганмиз. Бунга эришиш учун бизда хоҳиш-ирода ҳам, имконият ҳам етарли.

Ўз олдимизга қўйган бундай юксак марралар учун сармоялар ҳажмини келгуси 5 йилда 120 миллиард долларга етказиш, жумладан, камида 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб этишни ҳисоб-китоб қилганмиз. Ушбу инвестицияларни, энг аввало, саноат тармоқларини модернизация ва трансформация қилиш, ишлаб

чиқариш, коммунал ва транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтириш учун аниқ лойиҳа ва дастурларимиз бор. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш каби давлат тасарруфидаги анъанавий соҳаларга ҳам хусусий инвестицияларни жалб этиш кун тартибимизда туради”[1].

Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши тузилди. Унинг асосий вазифаларидан бири қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда, маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорларни иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ҳудудларга рақобатбардош экспортбop маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш мақсадида сармоя киритишларини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш, шунингдек, инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва

ўзарo манфаатли савдони ривожлантиришга кўмаклашидир.

Инвестициялар корхона ривож, молиявий барқарорлигининг ошиши, иқтисодий ва молиявий салоҳиятини оширишнинг муҳим омилдир. Шу боис инвестицияларнинг барқарор оқимини таъминлаш учун инвестиция субъекти ўз қўйилмаларининг фойдалилиги ва самардорлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Бу эса, ўз навбатида мулк эгалари ва инвесторлар томонидан инвестиция объектининг инвестицион жозибadorлигини таҳлил қилиш ва унинг асосидагина қарор қабул қилиш заруриятини туғдиради.

Адабиётлар шарҳи

Инвестицион жозибadorлик тушунчасига таъриф беришда икки хил ёндошув мавжуд. “Инвестицион жозибadorлик” тушунчасига фақатгина инвестор манфаатидан келиб чиқиб (Бланк И.А., Трясцина Н.Ю., Аллавердян В.В.) баҳо бериш, иккинчи ёндошув инвестор ва мулкдор манфаатини (Толмачев В.А., Ройзман И.И., Крейнина М.Н., Веселов Д.В., Исламов Д.) қамраб олган[2].

Корхоналарнинг инвестицион жозибadorлиги ҳақидаги тушунчалар [2]

1-жадвал

Толмачев В.А.	Инвестицион жозибadorлик корхонанинг инвестицион ривожланишининг маълум бир йўналишини ифода этадиган динамик категория.
Ройзман И.И.	Инвестицион жозибadorлик асосий капиталга инвестицияларнинг потенциал талабини асослаб берадиган турли объектив белгилар, хусусиятлар, имкониятларнинг йиғиндисидир.
Бланк И.А.	Инвестицион жозибadorлик маълум бир инвестор нуктаи назаридан алоҳида йўналишлари ва объектларига инвестиция қилишнинг афзалликлари ва камчиликларининг умумлашган тавсифидир.
Крейнина М.Н.	Корхонанинг инвестицион жозибadorлиги капитал даромадлиги, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида корхона мулкидан самарали фойдаланиш, унинг тўловга қобилияти, молиявий ҳолати барқарорлиги, унинг ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини ифодаладиган иқтисодий категориядир.
Трясцина Н.Ю.	Корхонанинг инвестицион жозибadorлиги инвестор учун инвестицион ҳаракатнинг афзал қийматини аниқлайдиган унинг фаолиятининг комплекс кўрсаткичларидир.
Аллавердян В.В.	Корхонанинг инвестицион жозибadorлиги бу биринчи навбатда, корхонанинг “инвестицияларни қабул қилиш” ва ундan моҳирона фойдаланиш қобилиятини инobatга олган ҳолда реал инвесторда тижорат ёки бошқа қизиқиш уйғотиш имкониятидир, шу тарзда инвестицион лойиҳа амалга oшгандan кейин ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми сифати, ишлаб чиқариш ҳажми, бозор улушининг ошиши ва б. соҳасида миқдорий сакашга эришишдир, бу oхир oқибатда тижорат корхонасининг асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган соф фойдага таъсир кўрсатади.
Веселов Д.В.	Корхонанинг инвестицион жозибadorлиги корхонанинг инвестиция киритиш билан боғлиқ бўлган рисклар ва келгуси молиявий самаранинг ўзарo нисбатидир.
Дмитриева Е.А.	Инвестицион жозибadorлик - инвестиция объектининг маълум бир хавф даражасида инвестицияларнинг даромадлигини таъминлаш қобилиятидир. У инвестицион потенциал ва инвестицион хавф омилларининг бир вақтдаги ўзарo ҳаракати билан белгиланди.[10]
Маматов Б.	Инвестициявий жозибadorлик мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган корхона инвестицияларининг даромадлики, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция хатари даражаси нуктаи назаридан баҳоланишидир.[11]

Исламов Д.	Компаниянинг инвестицион жозибадорлиги – бу унинг ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар ва ташқи омиллар мажмуи бўлиб, улар асосида потенциал инвестор компаниянгизга пулини йўқотиш ёки тегишлича даромад ололмаслик хатарисиз пулини тика оладиган бўлади.[12]
------------	--

М.Ю.Рахимов фикрига кўра, “Инвестицион жозибадорлик бу - инвестиция объектини миқдор ва сифат кўрсаткичларида, молиявий ва молиявий бўлмаган кўрсаткичларда, юзага келиши мумкин бўлган хатарлар таъсирида баҳоланишидир”[7].

Бизнинг фикримизча, “Инвестицион жозибадорлик – бу молиявий ва номолиявий ахборотлар асосида хўжалик субъектига инвестициялар оқимини баҳолаш мақсадида унинг молиявий ҳолатига баҳо беришдир”.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион жозибадорлигини таҳлил этишнинг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Иқтисодчи олимлар хўжалик субъектининг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, унда фойдаланиладиган молиявий коэффициентлар бўйича турли ёндошувларни тавсия қиладилар.

Хўжалик субъектининг инвестицион жозибадорлиги таҳлилида молиявий коэффициентлардан фойдаланиш бўйича ёндошувлар[10]

2-жадвал

№	Муаллифлар	Молиявий коэффициентлар
1.	Рахимов М.Ю.[7]	Ликвидлик коэффициенти
		Компания мулк ҳолати кўрсаткичи
		Корхона иш фаоллиги
		Молиявий қарамлиги
		Рентабеллик
2.	Касабян Л.Р.[5]	Сотиш рентабеллиги, %
		Активлар рентабеллиги, %
		Хусусий капитал рентабеллиги, %
		Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги, %
		Жорий ликвидлилик
		Тез ликвидлилик
		Мутлоқ ликвидлилик
		Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти
		Молиявий мустақиллик коэффициенти
		Мажбуриятларни қоплаш коэффициенти
		Тўловга қобилиятлилик коэффициенти
		Молиявий риск коэффициенти
		Молиявий қарамлик коэффициенти
		Қарз капиталини концентрация қилиш коэффициенти
		Хусусий капиталнинг маневрлилик коэффициенти
		Қарз маблағларини узоқ муддатга жалб қилиш коэффициенти
		Инновацион активлик коэффициенти
		Корхонанинг бозор улуши
3.	Адамайтис Л.А., Агапотова Е.Л.[3]	Рентабеллик кўрсаткичлари
		Иш активлиги кўрсаткичлари
		Ликвидлилик коэффициентлари
		Инвестициялаш учун молиявий барқарорлик кўрсаткичлари
		Молиявий ҳолат ташхиси ва банкротлик rischi кўрсаткичлари
4.	Султонов И.А.[8]	Молиявий мустақиллик коэффициенти
		Молиявий рычаг
		Умумий қоплаш коэффициенти
		Оралиқ қоплаш коэффициенти
		Мутлоқ қоплаш коэффициенти

		Сотиш рентабеллиги коэффиценти
		Асосий фаолият рентабеллиги коэффиценти
5.	Безрукова Т.Л. ва б. [4]	Молиявий барқарорлик
		Капитал фойдалилиги
		Активлар айланувчанлиги
		Активлар ликвидлиги
6.	Мудреха Н.В. [6]	Жорий ликвидлиги коэффиценти
		Мутлоқ ликвидлиги коэффиценти
		Захираларни ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти
		Дебиторлик мажбуриятлари айланувчанлиги коэффиценти
		Дебиторлик мажбуриятлари ликвидлиги коэффиценти
		Ўз молиялаштириш манбалари билан таъминланганлик коэффиценти
		Молиявий мустақиллик коэффиценти
		Молиявий барқарорлик коэффиценти
		Сотиш рентабеллиги
		Активлар айланувчанлиги коэффиценти

Шунингдек, С.Э.Элмирзаевга кўра, "...акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибдорлигини таъминлашдаги энг муҳим масалалардан бири ахборотлар шаффофлиги масаласидир. Шундан келиб чиққан ҳолда барча акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботлари асосида фаолият кўрсатувчи алоҳида рейтинг агентлигини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда рейтинг агентлиги фаолияти айнан акциядорлик жамиятларига қўшимча инвестициялар жалб қилиш

мақсадида молиявий ҳисоботлар асосида алоҳида кўрсаткичлар, хусусан молиявий барқарорлик ва умумий даромадлилик кўрсаткичлари, акциялар даромадлилик даражаси ҳамда бошқа кўрсаткичларни эълон қилиб боришга қаратилиши лозим"[9].

Жанубий-Ғарбий Давлат Университети (РФ) томонидан "Инвестицион таҳлил" фани бўйича тайёрланган маъруза тўпламида инвестицион жозибдорликни молиявий коэффицентлар асосида таҳлил қилиш батафсил келтирилган:

Параметрларни баллик баҳолаш

3-жадвал

№	Кўрсаткичлар / Баҳолаш	Яхши	Қониқарли	Мумкин бўлган қиймат	Қониқарсиз	Ниҳоятда қониқарсиз
1.	Сотиш рентабеллиги, %	>20	5-20	0-5	-20-0	<-20
2.	Активлар рентабеллиги, %	>15	5-15	0-5	-10-0	<-10
3.	Хусусий капитал рентабеллиги, %	>45	15-45	0-15	-30-0	<-30
4.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти	<20	20-30	30-45	45-60	>60
5.	Оборот маблағлар рентабеллиги, %	>30	10-30	0-10	-20-0	<-20
6.	Жорий ликвидлиги	>1,3	1,15-1,3	1-1,15	0,9-1	<0,9
7.	Тез ликвидлиги	>1	0,8-1	0,7-0,8	0,5-0,7	<0,5
8.	Мутлоқ ликвидлиги	>0,3	0,2-0,3	0,15-0,2	0,1-0,15	<0,1
9.	Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	>22	12-22	0-12	-11-0	<-11
10.	Молиявий мустақиллик коэффиценти, %	>50	20-50	10-20	3-10	<3

Эксперт тадқиқотлари асосида инвестицион жозибдорликни рейтинг баҳолаш параметрларини баллик баҳолаш тизими ишлаб чиқилган.

Баҳолаш:

"яхши" – 2 балл;

"қониқарли" – 1 балл;

"мумкин бўлган қиймат" – 0 балл;

"қониқарсиз" – минус балл;

"ниҳоятда қониқарсиз" – минус 2 балл.

Йиғилган балл миқдори қараб ранжирлаш ўтказилиши, корхонанинг инвестицион

жозибдорлик бўйича рейтинги тузилиши ҳақида ёзилган, бироқ методика келтирилмаган.

Бизнинг фикримизча, айрим молиявий коэффицентларнинг меъёри нотўғри белгиланган. Жумладан, хусусий капитал рентабеллигининг 45% дан, ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффицентини 22 дан юқори бўлишини таъминлаш мушкулдир.

В.Н.Мудреха томонидан инвестицион жозибдорликни миқдор ва сифат омиллари(кўрсаткичлари) асосида баҳолаш

методикаси тавсия этилган.

Миқдор омиллари таҳлили[6]

4-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Меъёр даражаси
1.	Жорий ликвидлилик коэффиценти	Оптимал 1,5. 2 дан кичик эмас.
2.	Мутлоқ ликвидлилик коэффиценти	0,1-0,7
3.	Захираларни ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	0,6-0,8
4.	Дебиторлик мажбуриятлари айланувчанлиги коэффиценти	Ижобий динамика харидорлар интизомининг яхшиланганлигини билдиради.
5.	Дебиторлик мажбуриятлари ликвидлиги коэффиценти	-
6.	Ўз молиялаштириш манбалари билан таъминланганлик коэффиценти	>0,1
7.	Молиявий мустақиллик коэффиценти	0,4-0,6
8.	Молиявий барқарорлик коэффиценти	>=0,6
9.	Сотиш рентабеллиги	Соф тушумнинг фойдага айланган қисмини ифодалайди.
10.	Активлар айланувчанлиги коэффиценти	Айланма маблағлар айланувчанлигининг тезлашиши уларнинг оборотдан бўшашига олиб келади.

Миқдор кўрсаткичлари(молиявий меъёр даражасида бўлса, 1 балл, меъёр даражасидан коэффицентлари) асосида таҳлил этишда паст бўлса 0 балл, максимал 10 балл. қуйидагича ёндашув берилади: коэффицентлар

Сифат омиллари таҳлили[6]

5-жадвал

№	Корхона фаолияти параметрлари	Омил миқдори	Балл
1.	Корхонанинг бозордаги фаолияти	50 йилдан кўп	5
		20-50 йил	4
		10-20 йил	3
		5-10 йил	2
		5 йилдан кам	1
2.	Таъминот бозорини эгаллаши бўйича рақобат даражаси	Корхона бозорни монополлаштирилган, умумий реализация ҳажмининг 80-100%ини эгаллайди	5
		Умумий реализация ҳажмининг 50-80%ини эгаллайди	4
		Умумий реализация ҳажмининг 20-50%ини эгаллайди	3
		Умумий реализация ҳажмининг 5-20%ини эгаллайди	2
		Умумий реализация ҳажмининг 5%идан кам улушини эгаллайди	1
3.	Ўзлаштирилмаган таъминот бозорларига чиқиш имконияти	Янги бозорга чиқишга деярли капитал талаб қилинмайди.	5
		Бозорга чиқиш харажатларини қоплаш даври – 6 ойгача	4
		Бозорга чиқиш харажатларини қоплаш даври – 6 ойдан 1 йилгача	3
		Бозорга чиқиш харажатларини қоплаш даври – 1 йилдан кўпроқ	2
		Янги бозорга чиқиш имконияти йўқ.	1
4.	Маҳсулот сифати ҳақида харидорлар фикри	Ижобий фикрлар салмоғи 85% дан юқори	5
		Ижобий фикрлар салмоғи 50% дан 85%гача	4
		Ижобий фикрлар салмоғи 30% дан 50%гача	3

		Ижобий фикрлар салмоғи 30% дан кам	2
		Ижобий фикр йўқ	1
5.	Корхона ходимларига нисбатан ижтимоий молиявий мажбуриятларнинг(иш ҳақи) мавжудлиги	Ҳисобот даврида умуман мавжуд эмас	5
		Мажбурият муддати 15 кунгача, бир марта	4
		Мажбурият муддати 15 кундан кўп, бир марта	3
		Мажбурият муддати 15 кунгача, 3 мартадан кўп	2
		Мажбурият муддати 15 кундан кўп, 3 мартадан кўп	1
6.	Ҳамкорлар билан ҳўжалик алоқалари давомийлиги	Алоқаларнинг кўп қисмининг давомийлиги 10 йилдан кўп	5
		Алоқаларнинг кўп қисмининг давомийлиги 10 йилдан кам	4-2
		Алоқаларнинг кўп қисмининг давомийлиги 1 йилдан кам	1
7.	Корхона менежменти тавсифи	Лавозимга тайинлашнинг шаффофлиги, махсус билимнинг мавжудлиги, раҳбарлик лавозимларида кўп йиллик иш стаж	5
		Юқоридаги шартлар бажарилмаган	4-1
8.	Корхонанинг муайян тармоққа мансублиги	Давлат миқёсида стратегик муҳимлиги, уникал тармоқ	5
		Тармоқ стратегик ёки уникал эмас	4-1
9.	Худудий инвестицион муҳит	Худуд барча параметрлар бўйича жозибатор ҳисобланади	5
		Худуднинг ўрта даражадаги жозибаторлиги	4
		Худуднинг қониқарли даражадаги жозибаторлиги	3
		Худуднинг паст даражадаги жозибаторлиги	2
		Худуд жозибатор ҳисобланмайди	1
10.	Мамлакатнинг инвестицион муҳити	Мамлакат барча параметрлар бўйича жозибатор ҳисобланади	5
		Мамлакатнинг ўрта даражадаги жозибаторлиги	4
		Мамлакатнинг қониқарли даражадаги жозибаторлиги	3
		Мамлакатнинг паст даражадаги жозибаторлиги	2
		Мамлакат жозибатор ҳисобланмайди	1

Сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил этишда умумий кўрсаткичлар сони 10 та бўлиб, 1 дан 5 баллгача баҳоланади.

Ушбу методика бўйича инвестицион жозибаторликни баҳолашнинг юқори балли 60 балл ($ИЖ_{\max} = 10 * 5 + 10 * 1 = 60$), минимум 10 баллни ($ИЖ_{\min} = 10 * 1 + 0 = 10$) ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, айрим сифат кўрсаткичлари ва уларнинг мезонини қайта кўриб чиқиш лозим. Жумладан, инвестицион

жозибаторликни баҳолашда корхонанинг бозордаги фаолиятининг 50 йилдан кўп бўлиши қанчалик муҳим? Таъминот бозорини эгаллаши бўйича рақобат даражасининг юқори эмаслиги корхонанинг инвестицион жозибаторлигини пасайтириши ўринлими?

Тадқиқотларимиздан натижасида инвестицион жозибаторликни молиявий кўрсаткичлар асосида баҳолаш бўйича ўз ёндошувимизни келтирамиз.

Инвестицион жозибаторликни баҳолаш методикаси[10]

6-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Меъёр	Балл	Меъёр	Балл	Меъёр	Балл
1.	Активлар рентабеллиги, %	>5	10	>2,5	5	0	0
2.	Хусусий капитал рентабеллиги, % (O_i – ўртача омонат ставкаси)	> O_i	10	>0,5 O_i	5	< O_i	0
3.	Тез ликвидлилик коэффиценти	>1	10	>0,5	5	0	0
4.	Молиявий мустақиллик коэффиценти	>0,5	10	>0,25	5	<0,25	0
5.	Дебиторлик мажбуриятларини айланиш коэффиценти	>4	10	>2	5	<2	0
6.	Кредиторлик мажбуриятларини айланиш коэффиценти	>4	10	>2	5	<2	0
7.	ТМЗ айланиш коэффиценти	>4	10	>2	5	<2	0
8.	Асосий воситаларнинг эскириши коэффиценти	<0,5	10	<0,7	5	>0,7	0
9.	Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	>0,2	10	>0,1	5	<0,1	0
10.	Пул маблағларининг жами активлардаги улуши, %	>10	10	>5	5	<5	0
11.	Дебиторлик мажбуриятларининг жами активлардаги улуши, %	<20	10	>20	5	>40	0
12.	Товар-моддий захираларнинг жами активлардаги улуши, %	<30	10	>30	5	>50	0
13.	Узоқ муддатли активларнинг жами активлардаги улуши, %	<40	10	>40	5	>60	0
14.	CVP анализ	$SF_o > ST_o > A_o$	10	$SF_o < ST_o < A_o$	5	$SF_o < ST_o < A_o$	0
15.	Битта акцияга тўғри келадиган фойда	Динамик ўсиш мавжуд	10	Динамик ўзгариш йўқ	5	Динамик пасайиш	0

Молиявий кўрсаткичлар сони 15 та бўлиб, максимал балл - 10).Кўрсаткичлар бўйича олинган максимал 150 балл(15*10, ҳар бир кўрсаткич бўйича натижаларни ранжирлашни амалга оширамиз:

Умумий баҳолаш[10]

7-жадвал

№	Умумий балл	Хулоса	Изоҳ
1.	0-83	Қониқарсиз	Инвестицион жозибаторлик даражаси паст
2.	84-107	Қониқарли	Инвестицион жозибаторлик даражаси ўртача
3.	108-150	Яхши	Инвестицион жозибаторлик даражаси яхши

Ушбу методика бўйича акциянерлик жамиятлари инвестицион жозибаторлигини таҳлил қиламиз (8-жадвал):

Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион жозибаторлигини баҳолаш[10]

8-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўзкимёсаноат АЖ	Балл	Ўзсаламан АЖ	Балл	ЎЗР товар-хонашёр биржаси	Балл
1.	Активлар рентабеллиги, %	2,48	5	0,27	5	3,63	5
2.	Хусусий капитал рентабеллиги, %	2,52	0	0,38	0	65,44	10
3.	Тез ликвидлилик коэффиценти	15,27	10	1,48	10	1,05	10
4.	Молиявий мустақиллик коэффиценти	0,98	10	0,71	10	0,05	0
5.	Дебиторлик мажбуриятларини айланиш коэффиценти	0	0	1,34	0	28,03	10
6.	Кредиторлик мажбуриятларини айланиш коэффиценти	0	0	1,48	0	0,01	0
7.	ТМЗ айланиш коэффиценти	0	0	2,37	5	420,77	10

8.	Асосий воситаларнинг эскириши коэффициенти	0,35	10	0,92	0	0,43	10
9.	Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0,93	10	0,67	10	0,04	0
10.	Пул маблағларининг жами активлардаги улуши, %	0,85	0	0,68	0	98,56	10
11.	Дебиторлик мажбуриятларининг жами активлардаги улуши, %	1,66	10	41,68	0	0,27	10
12.	Товар-моддий захираларнинг жами активлардаги улуши, %	0,04	10	17,79	10	0,001	10
13.	Узоқ муддатли активларнинг жами активлардаги улуши, %	96,42	0	11,5	10	1,16	10
14.	CVP анализ	130>0<10 2	0	283<106<1 29	0	147<161<17 5	0
15.	Битта акцияга тўғри келадиган фойда	Динамик ўсиш мавжуд	10	Динамик ўзгариш йўқ	5	Динамик пасайиш	0
Жами		х	75	х	65	х	95

Жадвал маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион жозибдорлигига баҳо берадиган бўлсак, молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари ва муҳим фактлардан олинган маълумотлар асосида турли натижаларга эришилганлигини кузатиш мумкин. Ўзкимёсаноат АЖ нинг ҳисобот даврида (2021 йил) 75 балл жамлаган, бу хўжалик субъектининг инвестицион жозибдорлиги қониқарсиз ҳолатда эканлигини кўрсатади. Бунга корхона активларининг номақбул жойлашганлиги, корхонада маҳсулот сотиш бўйича молиявий натижавийлик кўрсаткичларининг мавжуд эмаслиги сабаб бўлган.

Таҳлил натижалари асосида Ўзсаламан АЖ нинг 65 балл жамлаганини, унинг инвестицион жозибдорлиги қониқарсиз ҳолатда эканини кўриш мумкин. Бу ҳолатга рентабеллик кўрсаткичлари даражасининг пастлиги, асосий воситалар эскириш даражасининг юқорилиги ва хўжалик субъекти активларининг номақбул жойлаштирилганлигининг оқибатидир.

Хулоса ва таклифлар

Инвестицион стратегиянинг тўғри аниқланиши ва амалга оширилиши хўжалик субъектининг инвестицион фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицион жозибдорлик даражасининг юқорилиги инвестициялар оқими ва инвесторнинг қарор қабул қилиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатади. Ўз навбатида хўжалик субъекти инвестицион жозибдорлиги даражасининг ошиши ҳудуд ва мамлакат инвестицион жозибдорлигига дахл этади.

Инвестор ҳар доим ўз инвестицион ресурсларини тўғри йўналтиришга интилади, пухта бўлмаган ва асосланмаган қарорлар йўқотишларга олиб келишини билади. Шу боис инвестор инвестицион рискни камайтириш мақсадида инвестицион жозибдорлик таҳлилини амалга оширади.

Инвестицион жозибдорликка ички ва ташқи

Шунингдек, ЎЗР товар-хомашё биржасининг молиявий кўрсаткичлари асосида жамлаган балли 95 ни ташкил этади. Бу ҳолат хўжалик субъекти инвестицион жозибдорлиги қониқарли ҳолатда эканлигини англатади. Иш активлиги кўрсаткичларининг меъёр даражасидан катта тафовутга эга эканлиги, жойлаштирилган активлар ўсиш суръатининг молиявий натижавийлик кўрсаткичлари ўсиш суръатидан юқорилиги борасида тегишли қарорларнинг қабул қилиниши инвестицион жозибдорлик ҳолатининг янада ижобий кўринишга эга бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, инвестор инвестиция киритилгунга қадар ва инвестиция киритилган даврдан кейинги инвестицион жозибдорлик даражасини алоҳида таҳлил этиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараёнларда қўлланиладиган кўрсаткичлар турлича бўлиши мақбул ҳолатдир. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, фақат молиявий таҳлил натижалари якуний қарор қабул қилиниши учун етарли ахборот ҳисобланмайди. омиллар таъсир этишини инобатга олиш лозим. Бошқарув тизими, маҳсулот ассортименти, хўжалик субъекти молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш диверсификацияси ва технологияси, барқарор пул оқими, хўжалик субъектининг очиқлиги, молиявий ҳисобот маълумотларининг ошкор этилиши ички омиллар қаторига киради.

Ташқи омиллар мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий муҳит, тармоқ хусусияти, меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ўз ичига олади.

Одатда хўжалик субъектлари раҳбарлари инвестицион жозибдорлик масалаларига жиддий эътибор қаратмайди, инвестицион жозибдорликни таҳлил этиш ва унинг методикаси иқтисодий ўсиш ва корхона ривожига таъсир этишини ҳисобга олмайди.

Хўжалик субъекти инвестицион жозибдорлик таҳлилини амалга ошириш орқали ўзининг заиф томонларини аниқлаши, уларни бартараф этишга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек рақобатбардошлик имкониятларини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқи. 16.11.2022. <https://www.president.uz>
2. Абдужаборова М.Т. Analysis of Investment Attractiveness of Water Supply Enterprises. // International journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020, Issue 4, P.6944-6950. (№3; Scopus).
3. Адамайтис Л.А., Агапитова Е.Л. Применение сравнительной рейтинговой оценки в анализе инвестиционной привлекательности предприятия. Экономический анализ: Теория и практика 41 (248) – 2011.
4. Безрукова Т.Л. Шанин И.И. Зиборова Я.С. Факторы оценки инвестиционной привлекательности. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2015. – № 3 (часть 3) – С. 415-418.
5. Касабян Л.Р. “Оценка и пути повышения инвестиционной привлекательности предприятия (на примере ООО «ПЛАСТ». Бакалаврская работа. Тольятти, 2019.
6. Мудреха Н.В. Анализ и оценка инвестиционной привлекательности предприятия в современных условиях на примере ООО «КМК». Журнале научных публикаций аспирантов и докторантов. ISSN 1991-3087. 2016.
7. Рахимов М.Ю. Молиявий ҳисобот таҳлили. Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия нашриёти”, 2021.
8. Султанов И.А. Вопросы инвестиционной привлекательности компании. <http://www.projectimo.ru>
9. Элмирзаев С.Э. Акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини таъминлашнинг айрим масалалари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналі. №1, февраль, 2017 йил.
10. Дмитриева Е.А. Повышение эффективности управления инвестиционной деятельностью в водоснабжении жилищно-коммунального хозяйства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора географических наук. Санкт-Петербург, 2009.
11. Маматов Б. Қулай инвестиция муҳити – иқтисодиёт тараққиётининг гаровидир. <https://finance.uz>
12. Исламов Д. “Компаниянгни инвесторга бепардоз кўрсатма” ёки инвесторни жалб қилиш йўллари. <https://kommersant.uz>